

"Farg'onadonmahsulotlari" aksiyadorlik jamiyati акциядорлари диққатига!

24.03.2022 йил соат 10-00 да Фарғона шаҳар, Ал - Фарғоний кўчаси, 93 – уй манзилида жойлашган жамият мажлизлар залида жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қиламиз.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 18.03.2022 йил ҳолатига тузилади

- 1 Жамият бошқарувининг 2021 йил якуни бўйича жамият молия – хўжалик фаолияти юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш
- 2 Жамият ижро органи аъзоларининг 2021 - йилдаги йиғилиш баёнлари ва қарорларини тасдиқлаш
- 3 Бошқарув раиси ва ижро органи аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш
- 4 Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаш
- 5 Жамиятнинг 2021 йил молия - хўжалик фаолияти бўйича тафтиш комиссияси ва ички аудит ҳисоботини тасдиқлаш
- 6 Жамият кузатув кенгашининг 2021 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш
- 7 2021йил якуни бўйича ташкилот аудитори хулосасини тасдиқлаш
- 8 2022 йил жамият аудиторини ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини тасдиқлаш
- 9 Жамият кузатув кенгаш таркибини қайта сайлаш
- 10 Жамият тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш
- 11 2021 йил якуни бўйича соф-фойдани тақсимлаш
- 12 Жамият бошқарув раисининг 2022 йил учун бизнес-режасини ва жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш
- 13 2022 йил учун харажатлар сметасини тасдиқлаш
- 14 Жамиятнинг корпоратив бошқарув кодекси талабларига мувофиқ жамиятда 2021 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив баҳолаш бўйича хулосасини тасдиқлаш
- 15 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ4426-сонли қарори талабларига мувофиқ бошқарув раисининг ишлаб чиқариш, маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳисоботини кўриб чиқиш
- 16 Жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларининг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга

олган ҳолда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини кўриб чиқиш

17 Давлат рўйхатидан чиқарилиб, фаолияти тўхтатилган юридик шахсларнинг кўп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати ўтган дебитор қарздорликларини, юридик шахс тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ҳужжатларига асосан жамият балансидан чиқариш

18 Жамият балансида улуши бўлган нон, макарон, қандолат ишлаб чиқариш ва транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналаридан ташқари барча турдаги корхоналар ҳамда бўш турган бино ва иншоотларни қонунчиликда белгиланган тартибда сотиш

Умумий йиғилишга акциядорлардан ўзларини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт) ёки акциядорлар вакили белгиланган тартибда ишончнома билан келишлари сўралади.